

Мақсад - қарор ижросини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “2017-2021 йилларда шаҳар ва қишлоқларда автотранспорт таъминотини янада ривожлантириш Дастури” ушбу фикрнинг яна бир амалий натижаси бўлиб ҳизмат қиласди. Ушбу дастурга кўра, “Тошкент вилоятида 2017-2021 йилларда йўл-транспорт ва инженер-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш Дастури” ишлаб чиқилган бўлиб, дастурнинг “Жамоат транспорти тизимини ривожлантириш” тўғрисидаги бандига асосан Тошкент вилоятида йўловчи ташиш фаолиятини олиб бораётган ташувчи корхоналар томонидан 178 дона янги автобусларни, шу жумладан 113 дона “СамАвто” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган “ISUZU” русумли автобуслари ва 65 дона шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишларда тасарруф этиладиган катта сифимли автобусларни тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳанинг натижаси ўлароқ, тез кунларда юртимиз кўчаларида аҳолига ҳар томонлама қулай хизмат кўрсатишга мўлжалланган ташқи кўриниши кўркам автобуслар ўз фаолиятини бошлайди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати